

Термиз туманида амалга оширилаётган йирик лойиҳа билан танишилди



Вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов Термиз туманининг “Айритом” маҳалласида қарийб 55 гектарлик майдонда жойлашган эркин иқтисодий зонаси ҳудудида “Сурхон базалт” МЧЖ томонидан ташкил этилаётган базалт хом ашёсидан минерал вата ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси билан танишди.

Лойиҳа билан танишув давомида вилоят раҳбари тадбиркорлар билан мулоқот қилди. Уларнинг мавжуд муаммолари, таклиф ва ташаббуслари тингланди. Масъулларга тадбиркорлар томонидан кўтарилган масалаларни ҳал этиш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.